



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 15 май, № 98 (9269)

Жума

Сайтимиға Утиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



БОҒДОРЧИЛИКДА САНОАТЛАШУВНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда интенсив саноатлашган боғларни кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 572,6 минг гектар боғ ва тоқзор мавжуд бўлиб, улар йилга 1 миллиард долларлик экспортни таъминламоқда, 882 минг нафар аҳолининг даромад манбаига айланган.

Шу билан бирга, ер ва сув ресурслари чекланган ҳозирги шароитда соҳадagi ўсишни фақат майдонларни кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки ҳар бир гектардан олинмадан ҳосилдорлик ва даромадни ошириш орқали таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилган. Бунда интенсив, саноатлашган боғдорчиликни кенгайтириш муҳим омил бўлади.

Йиғилишда мавжуд боғ ва тоқзорлар ҳолати таҳлил қилинди. Ҳозирда 61 минг гектар эскирган ва 18 минг гектар яроқсиз боғларни янгилаш зарур. Айрим ҳудудларда бундай майдонлардан гектарига, бор-йўғи, 5 тонна ҳосил

олинмоқда, йиллик даромад эса 10 миллион сўмга ҳам етмайпти.

Мисол учун, Поп туманида 1 минг 200 гектар эски ва яроқсиз боғлар мавжуд. Агар улар ўрнида экспортбоп навлар экилиб, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш бўйича агрологистика марказлари ташкил этилса, ҳосилдорлик ва даромаднинг бир неча баробар ошириш мумкин. Мазкур туманда 84 гектарда барпо этилган экспортбоп гилос боғи таърибаси ҳам интенсив боғдорчиликнинг амалий натижасини кўрсатмоқда. Ҳали тўлиқ ҳосилга кирмаган ёш кўчатлардан ҳам гектарига 7 тоннадан ҳосил олинди, бир килограмм маҳсулот 8 доллардан экспорт қилинмоқда.

Шу боис эски ва яроқсиз боғлар билан ишлаш бўйича янги тартиб жорий этиш тақлиф қилинди. Бу жараёнда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги боғ ва тоқзорларни яроқсиз деб топилш, саноатлашган боғлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича хулоса беради. 12 ой давомида саноатлашган боғ барпо этилмаган майдонлар учун ер ва сув солиғи ставкасини ошириш, бу ҳолат яна 12 ой давом этса, сувдан фойдала-

нишни чеклаш тақлиф этилди.

Президентимиз ердан самарали фойдаланиш устидан назоратни рақамлаштириш зарурлигини таъкидлади. Эскирган ва янги саноатлашган боғлар ҳолатини космик тасвирлар орқали мониторинг қилиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш топширилди. Томорқа ва деҳқон ҳўжалиқларидаги эски боғларни янгилаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги кенгайтирилди. Бунинг қўрсатиб ўтилди. Бунинг учун маҳалла банкири орқали аҳолига 50 донагача кўчат ёки 2 миллион сўмгача қарз бериш, деҳқон ҳўжалиқларида эса эскирган боғларни янгилаш учун 150 миллион сўмгача кредит ажратиш тақлиф қилинди.

2026 — 2028 йилларда 168 минг гектар саноатлашган боғ ва тоқзорлар ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг ҳисобига 2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 258 мингта иш ўрни яратилиши кутулкимоқда.

Бундай лойиҳаларни молиялаштириш ва амалий қўллаб-қувватлаш учун 9 та тижорат банки ҳудудларга бириктирилади. Улар саноатлашган боғларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш билан

бирга икки йил давомида агротехник, молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Йиғилишда интенсив боғ ташкил қилмоқчи бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тизим жорий этилиши белгиланди. Жойлардаги “Агростар” компаниялари тадбиркорлар билан улушдорлик асосида ҳамкорлик қилади. Бунда “Агростар” компаниялари устивар капиталнинг 50 фоизигача қисмида пул маблағи билан, тадбиркор эса ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи билан иштирок этади.

Тадбиркорларга “Агростар” компанияси улушини қайта баҳоламоқда 7 йил ичида бўлиб-бўлиб сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Бу тизим эски боғ эгаларини ҳам манфаатдор қилади: улар янгилашган боғлардан орттирган даромади ҳисобидан улушни босқичма-босқич сотиб олиб, кейинчалик интенсив боғга тўлиқ эгалик қилиши мумкин бўлади.

Бундай лойиҳаларга банклар томонидан ҳар бир гектар учун 120 миллион сўмгача кредит ажратилади. Кредит вақтида қайтарилса, фоиз ставкасининг ярми компенсация қилинади. Шунинг-

дек, саноатлашган боғларнинг парвариш харажатлари учун 3 йил давомида ҳар гектарга 5 миллион сўмдан субсидия берилади.

Сув тежовчи технологиялар, мева-қўчат ва қишлоқ ҳўжалиғи техникасини харид қилиш учун тадбиркорлар ислом молияси хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади. Президентимиз йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Уларнинг етиштирилган ёки импорт қилинган мева-қўчатлар ва пайвандтаглар учун қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада қўллаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатилган саноатлашган боғларда қўчатлардан олинмадан сув учун солиқни 5 йил муддатга 1 сўм этиб белгилаш ҳақидаги тақлифларини маъқуллади.

Мутасаддиларга эски ва самарасиз боғларни янгилаш, саноатлашган боғлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, банклар, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудудда экспортбоп навлар, агрологистика ва қайта ишлаш қувватларини ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақлифига биноан 15 май куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этади.

Тадбир давомида кўп томонлама ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация ва экология соҳаларида ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва сунъий интеллектни амалда қўллашни янада кенгайтириш хусусида сўз юритилади.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Тадбир якунида Туркистон декларациясини қабул қилиш кўзда тутилган.

Ў.А.

Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ:

ТУРКИСТОН САММИТИ ТУРКИЙ ДУНЁ РАҚАМЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОLIB ЧИҚАДИ

Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтadиган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити арасида “Дунё” АА муҳбири Ташкилот бош қотиби Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ билан бўлажак йиғилиш кун тартибидagi долзарб масалалар хусусида суҳбатлашди.

Биз ва жаҳон

— Тил, тарих ва маданий умумийлик асосида ташкил этилган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бугунги кунда замонавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган муҳим тузилмага айланмоқда. Ҳозирги пайтда ташкилот фаолиятининг қайси устувор йўналишлари биринчи ўринга чиқмоқда ва Туркистон бўлиб ўтadиган норасмий саммитдан қандай амалий натижалар кутуляпти?

— Бугун Туркий давлатлар ташкилоти, эҳтимол, ўз тараққиётининг энг жадал босқичларидан бирини бошдан кечирмоқда. Сўнгги йилларда ТДТ сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди ва тизимли ҳамда узоқ муддатли фаолиятга ўтганини намойн қилди. Бу, айниқса, сўнгги саммитлар якунларида рақамли иқтисодиёт, транспорт ўзаро боғлиқлиги, савдо ва гуманитар ҳамкорлик соҳаларида аниқ қарорлар қабул қилинганида яққол кўринди.

Ташкилот фаолияти иқтисодиёт, савдо, транспорт ва қишлоқ ҳўжалиғидан тортиб рақамли иқтисодиёт, “ашилл” энергетика, таълим, фан ва ҳатто космик тадқиқотларгача бўлган 60 дан ортиқ йўналишларни қамраб олган.

Фаолиятимизда “Туркий дунё нигоҳи — 2040”, ТДТнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган стратегияси ва Туркий дунё хартияси узоқ муддатли ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур ҳужжатлар ташкилотимиз ривожининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Шу билан бирга, асосий эътибор тобора амалий масалаларга — Урта коридорни ривожлантириш, транспорт боғлиқлиги, савдо жараёнларини соддалаштириш, рақамли трансформация ва энергетик ҳамкорликка қаратилган.

Гуманитар йўналиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан у таълим, маданият ва ёшлар лойиҳалари орқали жамиятларимизни яқинлаштириш учун узоқ муддатли асос яратади.



ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Авваломбор, анжуманга ташриф буюрган меҳмонларимизни чин қалбимдан қутлаб, барчангизни Осий хотин-қизларининг иккинчи форуми очилиши билан қизгин муборакбод этаман.

Асрлар давомида илм-фан, маданият ва цивилизациялар туташган боқий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида жам бўлган сиз, азизларга самимий саломимни ҳамда энг эзгу тилақларимни изҳор этишдан мамнунман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, анжуман ишида фаол иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасаларига, барча халқаро ташкилотларга, Осий мамлакатларидан ташриф буюрган парламент делегациялари аъзоларига, сенатор ва депутатларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Маълумки, Осий халқларининг тарихи, маданияти, қадриятлари бир-бирига яқин ҳамда муштарак бўлиб, бу жиҳат минтақадан барча соҳаларни ўзаро бирлаштирадиган, турли миллат аёлларини ҳамкорликка чорлайдиган омиллардан ҳисобланади.

Бугун Осий қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Биз уларнинг тимсолдида нафақат нафосат соҳибаларини, балки мамлакатларимиз тараққиётини жадаллаштириш, халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкор кучни кўраемиз.

Сизларнинг юксак профессионал маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз ҳамда бирдамликка қатъий интилишингиз кенг минтақамиздагина эмас, балки дунё миқёсида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон ислохотларининг устувор йўналишига айланган. Зеро, аёлга эътибор — бу, аввало, инсон шахсига, унинг қадрига бўлган юксак эҳтиромнинг олий намунаси. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш фақат сиёсий вазифа эмас, балки эркин ва фаровон жамият барпо этиш йўлидаги изчил демократик янгиланишларнинг ажралмас қисми ҳамдир.

Сўнгги йилларда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал пойдевор яратилди. Янги тахрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси аёллар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг институционал кафолатларини мустаҳкамлади.

Кенг кўламли ислохотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етиб, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингларда етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Хусусан, Парламентлараро Иттифоқ томонидан юритилган “Парламентдаги аёллар” рейтинг-

гида республикамиз 193 та мамлакат орасида 35-ўринга кўтарилди.

Ижро ҳокимияти тизимида раҳбар аёллар сафининг кенгайиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштирокнинг орттириш давлати томонидан қарорлар қабул қилинишида инклюзивлигини таъминламоқда. Олий таълим муассасалари талабалари орасида аёллар улуши кескин ортгани, жумладан, магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг сони охириги беш йилда 11 қаррага кўпайганини ислохотларимизнинг муҳим стратегик натижаси деб биламиз.

Айниқса, юртимизда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланган. 2025 йилда 2,6 миллион нафар хотин-қизнинг даромадли меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашилди. Ўзбекистон жорий йилда “Аёл, бизнес ва қонун” халқаро индексида ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 190 та давлат ўртасида 48-ўринни эгаллаганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Бугунги мураккаб даврда хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги иштироки ҳамда улушини кескин ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги таъсирини кучайтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан умумли фойдаланиш долзарбдир. Бу борада давлатларимиз тадбиркор хотин-қизлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, бизнес форумлари ва халқаро тренинглари ўтказиб борилишидан манфаатдоримиз.

Шунингдек, мамлакатларимиз ишбилармон аёллари имкониятларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ўргатуви, янги стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи платформа ташкил этиш тақлифини илгари сураемиз.

Эртага бутун дунёда “Халқаро оила кунини” кенг нишонланади. Шарқ давлатларида жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, кўрғонини бўлган оилавий қадрият ва аъналарини беэавол сақлаш сўнгги йилларда тобора долзарб масалага айланиб бормоқда. Мазкур форум доирасида мамлакатларимиздаги оила институтини таъкид этиш бўйича илмий муассасалар тармоғини шакллантириб, энг илгор таърибларни узаро алмашиш, албатта, ўзининг қилинган самарасини беради.

Умуман олганда, мазкур форум келгусида Осийда барча даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг ролини оширадиган сермаҳсул мулоқот майдонига айланиши шубҳасиз. Шу маънода, ушбу анжуман доирасида сизлар барқарор тараққиётни таъминлаш борасида янги ташаббус ва эзгу фикрларини фаол илгари суришингизга қатъий аминман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва омад, шарафли фаолиятингизда зафарлар, форум ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчи палатасида Спикер Н. Исмоиловнинг Покистоннинг Ўзбекистондаги ўз фаолиятини аяқулаётган Фавқуллода ва мухтор элчиси Аҳмад Фарук билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Учрашувда сўнгги йилларда олий даражадаги мулоқотлар фаолияти бораётгани, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилгани қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5-6 февраль кунлари Покистон Ислон

Республикасида давлат ташрифи икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатаси Спикери элчининг Ўзбекистон — Покистон алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, А. Фарук самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган тарихий ислохотларни юқори баҳолади.

Элчи Ўзбекистон тез ва жадал суръатларда ривожланаётгани ҳамда халқаро парламентарийларнинг нуфузли мулоқотлар марказига айланиб бораётганини алоҳида эътироф этди.

Конструктив руҳда кечган учрашувда икки давлат пар-

ламентлари ўзаро муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, стратегик шериклик шариоитида олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлашда парламентларнинг ролини кучайтириш зарурлиги ургуланди.

Учрашув самимий, очик ва дўстона тарзда ўтди.

«Халқ сўзи».



ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Осий хотин-қизларининг иккинчи форуми конструктив мулоқот майдонига айланди

Бухоро шаҳрида “Аёлларга инвестиция — барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик имкониятларини кенгайтириш” мавзусидаги Осий хотин-қизларининг иккинчи форуми ўтказилди.

Форум



Анжуманнинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига муражаати Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ўқиб эшиттирди.

20 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, молия институтлари, Осийнинг қатор мамлакатлари парламентлари аёл аъзолари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ва коллатхоналари вакиллари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, етакчи аёллар, ишбилармон доиралар, сиёсатшунослар, ижтимоий соҳа фаоллари, олимлар ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ходимлари қатнашган тадбирда сўз олган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини қайд этди.



АЁЛЛАР — УЛКАН БУНЁДКОР КУЧ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Осий хотин-қизларининг иккинчи форуми нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиз ҳамжамияти учун муҳим воқеа бўлди.

Акс садо

Ушбу анжуман Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг халқаро эътирофидир. Нуфузли халқаро тадбирнинг айнан

юртимизда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Чунки форумда муҳокама қилинган масалалар кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада олиб бориладиган ниҳоятда халқчил ва ҳаётий ислохотлар билан узвий боғлиқ.



Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ:

ТУРКИСТОН САММИТИ ТУРКИЙ ДУНЁ РАҚАМЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Шунинг учун Туркистондаги бўлажак саммит алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асосий мавзуларидан бири сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш бўлгани жуда муҳим. Яннан шу йўналишлар бугун иқтисодиёт, хавфсизлик ва давлатларнинг халқаро рақобатбардошлигига таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилот доирасида илгари сурилган ташаббусларнинг долзарб эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган “Рақамли туркий дунё” концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳалар бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш ташаббуслари ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туркистоннинг урчуш майдони сифатида танлангани ҳам жуда муҳим. У туркий дунёнинг маънавий ва тарихий марказларидан бири бўлиб, авлодлар ворислиги ва умумий маданий меросимизнинг рамзи ҳисобланади.

Туркистонда рақамлаштириш, инновациялар ва технологик ҳамкорлик соҳаларида аниқ келишувларга эришилади, деб умид қилмоқдамиз. Саммитнинг асосий яқунларида бири Туркистон декларациясининг қабул қилиниши бўлиши кўтилмоқда. У яқин йиллардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб, ташкилот ривожига қўшимча туртки беради.

— Бугун ТДТга тобора муҳим минтақавий платформа сифатида қаралмоқда. Туркий давлатлар ўртасида транспорт-логистика коридорлари, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ташкилот қандай аниқ механизм ва ташаббусларни илгари сурмоқда?

— Бугун ТДТнинг асосий вазибаларидан бири — туркий маконнинг улкан салоҳиятини мамлакатларимиз ва фуқароларимиз учун реал иқтисодий имкониятларга айлантиришдир. Минтақанинг салоҳияти, ҳақиқатан ҳам, жуда катта. Бу ҳудуд тахминан 175 миллион аҳолини бирлаштиради. ТДТнинг Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани учун яқин ички маҳсулот 2,4 триллион АҚШ долларидан ошди. Шу боис транспорт боғлиқлиги ва иқтисодий интеграция масалалари ташкилот кун тартибида марказий ўринни эгаллайди.

Асосий йўналишлардан бири Транскаспий халқаро транспорт маршрути, яъни Ўрта коридорни ривожлантириш бўлиб қолмоқда. Ҳозирги шароитда унинг аҳамияти янада орди. Глобал логистикадаги ўзгаришлар ва айрим минтақалардаги бекарорлик Осие ва Европа ўртасидаги ишончли ҳамда диверсификация қилинган маршрутларга талабни кучайтирмоқда.

Бугун Ўрта коридор шунчаки муқобил йўналиш эмас. Амалда Осие ва Европа ўртасида янги барқарор транспорт архитектураси шаклланимоқда.

Натижалар алаҳқачон намоён бўлмоқда. 2025 йилда Ўрта коридор орқали юк ташиш ҳажми 62 фоизга ошиб, 2023 йилдаги 2,7 миллион тоннадан 4,7 миллион тоннага етди. Қўрилатган чоралар 2030 йилгача унинг ўтказувчанлик қобилиятини йилга 10 миллион тоннагача ошириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ТДТга аъзо давлатлар транспорт инфратузилмасини модернизация

қилиш, Каспий денгизи портлари қувватини кенгайтириш, темир йўл тармоқлари ва мультимодал ташувларни ривожлантиришга фаол инвестиция киритмоқда. Боку — Тбилиси — Карс темир йўли бугуннинг ўзида самарали мисол бўлиб, транзит оқимини сезиларли даражада оширди ва юк етказиб бериш муддатини қисқартирди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У Ўрта коридорга тўғридан-тўғри улашни таъминлаб, савдо ва минтақавий интеграция учун янги имкониятлар очади. Зангезур коридорини ривожлантириш ва Карс — Игдир — Аралқ — Дилужу темир йўл линияси қурилиши ҳам қўшимча туртки бермоқда.

Бироқ инфратузилма ишининг фақат бири қисми. Ташув жараёнларини соддалаштириш ва чегарадан ўтшни тезлаштириш ҳам муҳим. Шунинг учун ТДТ доирасида e-Permit, e-CMR ва e-TIR каби рақамли ечимлар фаол жорий этилмоқда. Улар чегарадан кесиб ўтиш жараёнларини тезлаштириш ва маъмурий тўсиқларни камайтиришга хизмат қилади.

e-Permit тизими ташкилот доирасида муваффақиятли қўлланилмоқда. e-TIRни жорий этиш ишлари аъзо давлатларнинг божона хизматлари билан яқин ҳамкорликда олиб боришмоқда. e-CMR бўйича ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Озарбайжон ва Туркия пи-



тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожлантирилмоқда. Бу иқтисодий муҳитнинг шафқатлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бишкек саммити доирасида Рақамли иқтисодиёт бўйича шериклик келишувининг имзоланиши электрон тижоратни ривожлантириш ва мамлакатларимиз ўртасида рақамли транзакцияларга ишончли мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Бу ташаббусларнинг барчаси битта умумий мақсадга қаратилган — туркий маконни янада жипслашган, рақобатбардош ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ҳудудга айлантириш. Бугун биз ТДТ доирасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини кўриб туришимиз.

— Туркистон саммитининг марказий мавзуларидан бири сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш деб эълон қилинди. Сининг-ча, рақамлаштириш туркий макон интеграциясининг янги драйверига айланиши мумкинми?

— Рақамлаштириш, ҳақиқатан ҳам, туркий

“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилот доирасида илгари сурилган ташаббусларнинг долзарб эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган “Рақамли туркий дунё” концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳалар бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш ташаббуслари ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.”

лот лойиҳаларни амалга оширмоқда, Бишкекда имзоланган Англашув меморандуми эса маъмур механизмини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратди.

Транспорт йўналиши билан бир қаторда инвестиция ва иқтисодий ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада асосий восталардан бири капитали 600 миллион АҚШ доллари ташкил қилувчи Туркий инвестиция жамғармаси бўлди. Унинг вазибаси ўзaro инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацияларни рағбатлантириш, айниқса, кичик ҳамда ўрта бизнес соҳасидаги қўшма лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат.

Шу билан бирга, Туркий давлатлар савдо-саноат палаталари иттифоқи орқали бизнес доиралари ўртасидаги ҳамкорлик кучаймоқда. Биз бу тузилмани янада самарали платформага айлантириш учун институционал жиҳатдан ривожлантириш устида ишлаяпмиз.

Ўтган йили ташкилотнинг “Turkic Investment Promotion Network” — Туркий инвестицияларни рағбатлантириш тармоғи ҳам муҳим янги механизмга айланди. У инвестициявий ҳамкорлик, инновациялар ва барқарор иқтисодий ўсишни ривожлантиришга қаратилган.

ТДТ молиявий соҳадаги ҳамкорликни ҳам кенгайтирмоқда. Ўтган йили ТДТ Марказий банклари кенгаши ва Туркий “Яшил” молия кенгашининг дастлабки йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу платформалар молиявий технологиялар, тўлов тизимлари, капитал бозорлари ва барқарор иқтисодиёт соҳаларида мувофиқлашув учун янги имкониятлар яратмоқда.

Молиявий разведка ва монополияга қарши

макон интеграциясининг асосий драйверларидан бирига айланиши мумкин. Бугун рақамли технологиялар деярли барча соҳага кириб борган, шу боис ТДТ учун бу келажак кун тартиби эмас, балки бугунги реал воқелиқдир.

Туркистондаги бўлажак саммит мавзуси жуда долзарб. Биз рақамли трансформацияни иқтисодиётларимиз рақобатбардошлигини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида кўрмоқдамиз.

Бугуннинг ўзидаёқ ТДТ доирасида рақамли инфратузилмани ривожлантириш, замонавий технологик ечимларни жорий этиш ва мамлакатлар ўртасида рақамли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сунъий интеллект, технология алмашинуви, стартап-эко-тизимларни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада ТДТ давлатларида жиддий инсон капитали, таълимий ва технологик салоҳият мавжуд.

Энг муҳими, рақамлаштириш мамлакатларимиз жамиятлари ўртасидаги масофани қисқартиришга ёрдам бераётди. Ёшлар рақамли муҳит орқали тобора фаол мулоқот қилишти ва айнан шу муҳитда ҳамкорликнинг янги макони шаклланимоқда.

Агар мавжуд имкониятларни самарали бирлаштира оласак, рақамлаштириш яқин йилларда туркий макон интеграциясининг энг кучли ва узок муддатли драйверларидан бирига айланиши мумкин.

— ТДТ гуманитар ҳамкорлик йўналишини ҳам фаол кенгайтирмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида умумий маданий

ва таълимий макон қандай шакллантирилмоқда ва ягона ахборот муҳитини яратиш бўйича янги қўшма лойиҳалар қутиш мумкинми?

— Бугун ТДТ гуманитар ҳамкорлик йўналишини тобора кучайтирмоқда. Бу ишларнинг марказида амалиётга йўналтирилган ва мунтазам тус олган ёшлар ҳамда таълим ташаббуслари турибди. Жумладан, Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган III Туркий университетда 500 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашди. Бу ёшларнинг фаол жалб этилаётганини кўрсатади.

Шунингдек, Олмаотада Туркий дунё ёшлар марказининг ишга туширилиши, Тошкентда Диаспора ёшлари форуми, Габалада Спорт вилонтёрлари форуми ва Истанбулда Туркий Қизил тармоқ лагери каби ташаббуслар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишни давом эттирган ҳолда жорий йилда Хивани “Туркий дунё ёшлар пойтахти” деб эълон қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлар марказини ташкил этиш ишлари олиб боришмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ёшлари ўртасида жонли ҳамкорлик тармоғини яратмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада 170 дан ортиқ олий таълим муассасаларини бирлаштирган Туркий университетлар иттифоқи — TURKUNIB муҳим ўрин тутди. Ўзбекистоннинг 2025-2026 йилларда TURKUNIBга самарали раислик қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Орхун” академик мобиллик дастури ҳам фоят долзарб. У талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви таъминлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва умумий таълим маконини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Медиа ва рақамли муҳитнинг роли ҳам ортиб бораётди. Бугун ТДТ мамлакатлари ёшлари онлайн платформалар, ижтимоий тармоқлар ва қўшма ахборот лойиҳалари орқали тобора фаол мулоқот қилмоқда. Бу эса туркий дунёнинг умумий ахборот макони шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ёшлар, университетлар, маданий ва гуманитар институтлар ўртасидаги алоқалар кенгайган сари туркий дунёнинг ягона маданий ва ахборот макони ҳам босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Бу жараён табиий ва изчил тарзда — аниқ лойиҳалар, институционал ҳамкорлик ва инсонлар ўртасидаги жонли мулоқот орқали ривожланимоқда.

Энг муҳими, мазкур жараён мустаҳкам тарихий-маданий асосга таянади. Масалан, Ўзбекистон туркий цивилизация ва бой тарихий мероснинг асосий бешиқларидан бири ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Андижон каби қадимий шаҳарлар нафақат тарихий марказлар, балки туркий дунёнинг замонавий маданий маконининг муҳим қисми ҳамдир.

Шу маънода, 2026 йилда Андижоннинг “Туркий дунё маданий пойтахти” деб эълон қилиниши ҳам рамзий аҳамиятга эга. Андижон бой тарихий мерос ва замонавий тараққиёт руҳини уйғунлаштирган қадимий шаҳар сифатида алоҳида ўрин тутди. Шу муносабат билан жорий йил июнь ойи ўрталарида Андижон шаҳрида тегишли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Андижоннинг яна бир муҳим жиҳати — у буюк туркий саркарда, давлат арбоби ва машҳур шоир Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ватани экани. Мирзо Бобур шахси ёшларимиз учун ҳар томонлама баркамоллик тимсоли сифатида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шу тариқа ТДТ доирасидаги гуманитар ҳамкорлик икки йўналишда — замонавий амалий лойиҳалар ва умумий тарихий-маданий мерос асосида ривожланимоқда. Улар биргаликда туркий дунё мамлакатлари ва халқларининг янада яқинлашуви учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Дала чети – қўшимча даромад манбаи

Бугун Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида экин майдонларидан фойдаланишда самарали бошқариш билан чекланилмайпти, балки ҳар бир пайкал чети, ариқ бўйи, коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ерларни даромад манбаига айлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода, Президентимиз томонидан 2026 йил 13 апрелда имзоланган “Дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириллар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қишлоқ хўжалиги сиёсатини янги босқичга олиб чиққан муҳим ҳужжат бўлди.

Бу ҳақда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Зилола Шомансурова шундай деди:

— Ўтган йил республикамизда қишлоқ, ўрмон ва балқичлик хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 538 триллион 900 миллиард сўмдан ошди. Бу мамлакат яқин ички маҳсулотининг 17,3 фоизини ташкил этади. Демак, қишлоқ хўжалигидаги ҳар қарич ер иқтисодиёти “Усиш нуқтаси” бўлиши мумкин. Шу боис эндиликда ернинг қадрига етган миришқор давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Акси бўлса, маъмурий жавобгарликка тортиледи. Бу қонунда аниқ қўрсатилган: “Иккиламчи ижарага олинган ижарачилар томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда экин экилганлиги, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади”.

Агар ҳозир базавий ҳисоблаш миқдори 412 минг сўм эканини назарда тутсак, дала четини бўш қолдиришнинг оқибати 412 минг сўмдан 1 миллион 236 минг сўмгача жарима солишига асос бўлади демакдир. Ундан кўра ерни обод қилган, қўшимча қиймат яратган яхши эмасми?

Қонуннинг иккинчи муҳим янгилиги — солиқ механизми орқали таъсирини кучайтириш. Ижарачи пайкалнинг чети, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ерларга ҳар йили 1 майга қадар ҳар неча экмаган бўлса, бу қонунда кўрсатилган мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ўз тасдиғини топса, худди шу “бўш қолган” ер учун солиқни уч қара кўпроқ тўлашга мажбур бўлади.

Кўриб турганингиздек, давлат ерни ижарачига ўтган йиллардагидек билганини қил, имкон топсанг эк, бўлмаса, ўзинг билсан, дея тўхфа этаётгани йўқ. Қонунбузарларга жарима қўллаш билан чекланмай, иқтисодий рағбат мажбуриятини солиқ сиёсати қатъий тарзда қўлламоқда.

Яна бир эътиборга лойик жиҳат — “мақбул экин” тушунчасининг қонун даражасида мустаҳкамлангани. Эндиликда ҳар йили 1 январга қадар Ўсимликлар қарантини ва химиясиз агентлиги бошчилигидаги ишчи гурӯҳ сув таъминоти ҳамда худуднинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда қаерга қайси экин мақбул эканини белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади. Бу, ўз навбатида, тартиб-интизом билан бирга илмий ёндашуви ҳам кучайтиради.

Қонун ижроси рақамли назорат инфратузилмаси билан таъминлангани унинг кучини янада оширишга хизмат қилади. Гап шундаки, ердан фойдаланиш ҳолати “Agroko`makchi” мобил иловаси, “UZKAD” интеграцион ахборот тизими ва “uzagrolob.uz” платформаси орқали реал вақт режимида кузатиб боришмоқда. 2024 йил давомида агентлик 1 миллион 40 минг гектар ернинг тупроқ таҳлилини ўтказган, 743 минг гектарда кузатув-назорат ишлари, 504 минг 700 гектарда қимёвий ишловлар амалга оширилган. Демак, янги қонун қўроғида қўлиб кетмайдиган, рақамли назорат билан қўллаб-қувватланган механизмга айланмоқда.

Масаланинг яна бир ижтимоий томони бор: дала четлари — бу қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўрни, қўшимча даромад, қўшимча маҳсулот дегани. Ҳужжатда таъкидланганидек, ҳар 60 гектарлик фермер хўжалигида ўртача 1 гектар атрофида дала четлари майдони мавжуд. Республика миқёсида айтганда эса бу юз мингга гектар қўшимча ресурслар. Бу майдонлар самарали ишлатилса, бир томондан, аҳоли бандлиги ортади, иккинчи томондан, бозор ноз-неъматлар билан тўлиб, экспорт янада ошади.

«Халқ сўзи» муҳбири Абдуноби АЛИҚУЛОВ эъиб олди.

Ўзбекистон иқтисодиёти:

БАРҚАРОР ЎСИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида яқинда 2026 йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ва тармоқлардаги иқтисодий ўсиш таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазибалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз иқтисодиётининг бугунги ҳолати ҳамда эртанги йўналишлари ҳар томонлама чуқур муҳокама қилинди. Шу аснода макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Таҳлил

Ҳақиқатан ҳам, 2026 йилнинг дастлабки чорагида барқарор иқтисодий ўсиш кузатилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодиёти учун юксалиш ва барқарор ўсиш даври бўлди. Чунки яқин ички маҳсулот ҳажми 8,7 фоиз ўсиб, жорий нарҳларда 447,9 триллион сўмни ёки 36,9 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 фоиз юқори натижа қайд этилди дегани.

Эътиборли жиҳат, булар — халқаро молиявий институтлар томонидан билдирилган дастлабки прогнозлардан анча юқори кўрсаткич. Жумладан, Осие тараққиёт банки 6,7 фоизлик ўсишни башорат қилган бўлса, Жаҳон банки дастлаб 6 фоиз деб баҳолаган эди. Кейинчалик бу кўрсаткич 6,4 фоизгача оширилди. Халқаро валюта жамғармаси ҳам ўз прогнозини қайта кўриб чиқиб, 6,2 фоиздан 6,8 фоизгача кўтарди. Буларнинг бари мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохот-



лар ўз самарасини бераётганининг ёрқин далили. Айниқса, иқтисодий эркинлик борасида эришилган ютуқлар диққатга сазовор. Ўзбекистон мазкур индексда 14 поғона кўтарилиб, илк бор “ўртача эркин иқтисодиёт” тоифасига кирди. Бу эса юртимизда шаклланиётган очиқ ва рақобатбардош иқтисодий муҳитнинг амалий натижаси.

Иқтисодиёт тармоқлари ичиде қурилиш ва хизматлар соҳаси энг юқори ўсиш суръатларини намоён этиб, етакчи ўринни сақлаб қолди. Шу билан бир-бирга, саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам барқарор ўсиш таъминланди. Шунингдек, нефтни қайта ишлаш, енгил саноат, тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик ҳамда озиқ-овқат саноатида юқори самарадорликка эришилди.

Худудлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Навоий

вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент раёони етакчилик қилмоқда. Қурилишда энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилди. Хизматлар соҳасида эса Тошкент шаҳри яна бир бор етакчи бўлди.

Ушбу натижалар Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар тўғри йўлда экани ва уларнинг амалий самараси тобора яққол намоён бўлаётганини кўрсатмоқда.

Геосийсий кескинликлар таъсири

Бугун ташқи иқтисодий омиллар ички бозорда нарҳлар шаклланишига кучли босим ўтказётганини инкор этиб бўлмайди. Жаҳон бозориде нефть нарҳларининг йил бошидан буюн қарийб 40 фоиз ошгани, геосийсий кескинликлар сабаб логистика йўналишларида юзага келган узлишлар транспорт харажатларини 25 — 30 фоизгача оширди. Бу эса савдо ва таъминот занжирларида бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, чорвачилик соҳасидаги вазият жиддий “сигнал” бўлди. Йирик шохли моллар импортининг икки баробарга қисқариши озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини янада долзарблаштирди.

Иқтисодий ўсиш рақамлари қанчалик баян бўлмасин, агар инфляция муттасил ошиб борса оддий инсон бу ўсишни хис қилмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳақиқий фа-

ровонлик — бу, аввало, барқарор нарҳлар ва қафолатланган таъминот демак.

Шу боис Президентимиз томонидан бу борада тезкор чоралар қўрилмоқда. Мисол учун, насли чорва моллари ва гўшт маҳсулотларини хаво транспорти орқали олиб кириш харажатларини қоплаш учун 300 миллиард сўм ажратилиши, 112,4 минг тонна сизгима эга музлатиш қувватларини барпо этиш режалари — бу бозорда тақлифи кўпайтириш орқали нарҳлар босимини юмшатишга қаратилган аниқ стратегик ёндашув.

Бундан ташқари, Мўғулистоннинг 100 минг бош насли қўй ва эчки олиб келиниши, транспорт харажатларининг ярмини давлат қоплаб бериши импорт манбаларини диверсификациялаш орқали хавфларни камайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, масаланинг илди-зига эътибор қаратилмоқда. Яъни жорий йилда 709 минг гектар майдонга озуқа экинлари экилиши чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишга замин бўлади. Пировардида ташқи босимларга қарамай биринчи чоракда истеъмол нарҳлари ўсиши 1,93 фоиз доирасида сақланди. Март ойида ойлик инфляция 0,6 фоизни ташкил этди, йиллик инфляция эса 10,34 фоиздан 7,1 фоизгача пасайиб, сўнгги йилларда илк бор сезиларли даражага тушди. Бу тўғри танланган иқтисодий сиёсатнинг амалий натижасидир.

Ижтимоий ҳимоя механизми ва бандликни таъминлашдаги имкониятлар

Олиб борилган кучли ижтимоий сиёсат натижасида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш йўналишларида сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, 1 чоракда 167 минг киши доимий иш билан таъминланди, 737 минг фуқарога қўшимча даромад манбаи яратиш ва моддий аҳолини яхшилашда амалий кўмак қўрсатилди. Шу билан бирга, норасмий банд бўлган 241 минг нафар фуқаронинг иқтисодиётнинг қонуний секторида жалб этилиши муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этди. Бу орқали улар учун ижтимоий ҳимоя механизми, молиявий хизматлар ва барқарор бандлик имкониятлари кенгайди.

Ижтимоий ва манзилли қўллаб-қувватлаш дастурлари изчил давом эттирилиб, 86 минг эҳтиёжманд оиллага ишга жойлаштириш, таълим олиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш ва даромадини оширишга қаратилган турли хизматлар қўрсатилди. “Меҳнатсевар аёл” дастури доирасида 26 минг нафар хотин-қиз, “Барқарор келажак сари” дастури орқали эса 58 минг нафар ёш ишли бўлди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муаммолари юқори бўлган худудларни жадал ривожлантириш мақсадида тан-

МАЪНАВИЙ СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – УСТУВОР МАҚСАД

Оила — инсон камолоти, маънавий тарбия, миллий кадриятлар, меҳр-оқибат ва ижтимоий барқарорликнинг асосий манбаи. Дунё давлатлари оила институтини ҳимоялаш ва мустақамлашни сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилайди.

Бугун — Халқаро оила куни

Халқаро оила куни ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги резолюциясига мувофиқ 15 май санаси Халқаро оила куни деб белгиланган. 1994 йилдан бошлаб жаҳон миқёсида кенг нишонлаб келинаётган ушбу анъана оиланинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустақамлаш, оилавий кадриятларни асраш ва ёшларни соғлом оилавий муносабатларга тайёрлашда кўмак бермоқда.



Муҳофазасида экани, эркак ҳамда аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш каби муҳим тамойиллар аниқ белгилаб берилган. Оилавий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий манбалардан бири Оила кодексида эса никоҳ тузиш шартлари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фарзанд тарбияси, отанинг масъулияти, алимент муносабатлари ва бошқа оилавий ҳуқуққа доир муҳим масалалар эътиборга олинган. Жумладан, никоҳнинг ихтиёрлиги, эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, оилавий муносабатларда ўзаро ҳурмат, болалар манфаатларининг устувор

лиги Оила кодексининг асосий принциплари сифатида белги-ланган. Бундан ташқари, мамлакатимизда оила, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва эъравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда оила институтини янада мустақамлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, никоҳ масъулиятини ошириш, хотин-қизлар ва болаларни ҳар қандай тазйиқ ҳамда эъравонликдан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Оила куриш нафақат шахсий эҳтиёж, балки катта ижтимоий ва ҳуқуқий масъулият ҳамдир. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш эса барқарор жамият кафолати. Фармонда, шунингдек, никоҳланувчилар учун “маиший эъравонликсиз бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш” курсларини ташкил этиш назарда тутилган. Бу курсларда оила психологияси, ҳуқуқий саводхонлик, низоларни ҳал



қилиш маданияти, фарзанд тарбияси, иқтисодий масъулият каби масалалар ўргатилади. Бундай ёндашув ёшларни масъулиятли оила куришга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек халқининг асрлар давомида шакланган миллий кадриятларида оила муқаддас даргоҳ сифатида эътироф этилади. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларимиз ҳам оила ва ахлоқ масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Алишер Навоий инсоннинг маънавий камолоти, аввало, оилада шаклланиши таъкидлаган бўлса, Ибн Сино фарзанд тарбиясида ота-она-

нинг масъулиятига катта аҳамият берган.

“Оила — кичик Ватан”, “Қуш уюсида кўрганини қилади” каби халқ мақоллари эса унинг маънавий ҳаётимиздаги беки-ёс ўрнини кўрсатиб келади. Зеро, халқимизда катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр, сабр-тоқат, вафо, ор-номус, меҳнатсеварлик каби кадриятлар азал-азалдан устувор бўлиб келган. Оилада меҳр, ҳурмат, масъулият ва адолат устувор бўлса, мамлакат тараққиёти ҳам барқарор бўлади.

Гулчехра ЖҲУРАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Таълим

Анъанавий «Карьера ҳафталиги» бошланди

Тошкент давлат иқтисодий университетда (ТДИУ) битирувчиларни меҳнат бозорининг замонавий талаблари ҳақида таништириш ва уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган анъанавий «Карьера ҳафталиги» бошланди.

21 майга қадар давом этадиган ушбу нуфузли ҳафталикнинг очилиш маросими доирасида кенг кўламли меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи корхона ва ташкилотлари, тижорат банклари, сугурта компаниялари, солиқ ва бухгалтерлик тузилмалари ўзларининг бўш иш ўринлари ва вакансиялари билан фаол қатнашмоқда.



Дастурга кўра, ҳафта давомида ҳар бир факультет кесимида битирувчиларнинг тадбиркорлик лойиҳалари намойиш этилади. Шунингдек, HR экспертлари ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вакиллари иштирокида “osonish.uz” ва “career.edu.uz” платформаларидан самарали фойдаланиш бўйича тренинглари, филансерлик фаолияти, “Soft skills” (коммуникатив кўникмалар) модуллари ва меҳнат бозоридagi янги тенденцияларга бағишланган семинар ҳамда воркшоплар ўтказилиши режалаштирилган.

Йирик иш берувчилар иштирокидаги мутахассислик бўйича ишга жойлаштириш танловлари ҳамда “Келажакка қадам” дастури доирасида имтиёзли кредит олган битирувчиларга сертификатлар топшириш маросими ҳафталикнинг муҳим воқеаларидан бўлади.

Бугунги кунда ТДИУда 50 мингга яқин талабаларга 2 500 нафардан зиёд юқори малакали профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда. Университетнинг 7 та таълим йўналиши “ACBSP” ва “НААР” каби халқаро аккредитация ташкилотларидан ўтган бўлса, “Бухгалтерия ҳисоби” дастури нуфузли халқаро “ACCA” ташкилоти томонидан тан олинган.

Кайд этиш жоизки, университетда жорий қилинган “5+1” формати ва иш берувчилар базасида ташкил этилган 35 та кафедра филиали назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда

юқори самара бермоқда. Муваффақиятли ислохотлар натижасида 2024/2025 ўқув йилида битирувчиларнинг қарийб 94 фоизининг бандлиги таъминланди.

Бугунги кунда университет 115 та йирик иш берувчи ташкилот ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан доимий ҳамкорлик шартномаларига эга. Ўзбекистоннинг жамиятида талабаларнинг 2-курсдан бошлаб иш берувчиларни жалб қилган ҳолда “селекция” ишлари ва битирувчилар билан индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир битирувчи муносиб иш ўрнига эга бўлиши учун педагог-ҳодим масъул қилинган.

Шунингдек, университет қоидага “Экспериментал иқтисодиёт” лабораторияси, “Digital Finance” инкубация маркази ҳамда “Яшил” иқтисодиёт марказлари талабаларга реал рақамли муҳитда замонавий касбий кўникмаларни шакллантириш имконини бермоқда.

Олийгоҳда старт олган “Карьера ҳафталиги” талаба-ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўлида яна бир муҳим қадамдир.

Акрам ҲАМРОҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Туризм

САЙЁҲЛАР САМАРҚАНДНИ ВЕРТОЛЁТДА ТОМОША ҚИЛАДИ

Самарқандда туризм салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази ҳамда “Зарафшон” миллий табиат боғи устида вертолётда сайр қилиш хизмати йўлга қўйилди. Бир вақтнинг ўзида беш нафар йўловчини олиб учадиган ушбу илҳам вертолётда 15 дақиқалик ҳаво саёҳати орқали Самарқанднинг бетакрор манзараларини томоша қилиш имконияти яратилди. Бунинг учун туризм маркази ҳудудда махсус учиш-қўниш майдони ҳам ташкил этилди.



Айни пайтда марказ ҳудудда қурилаётган дор йўли ҳам яқунлашиб арафасида бўлиб, у сайёҳларга шаҳарни янада кенгроқ кўламда кузатиш имконини беради. Самарқанд вилояти туризм бошқармаси ва маҳаллий тадбиркорлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган бундай замонавий хизматлар қадимий шаҳарнинг туристик жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, шаҳарда соҳил бўйи ҳудудлари, 7/24 хизмат кўрсатиш масканлари ҳамда тарихий кўчаларни ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 27,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 127 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиши, 800 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Бундай истиқболли лойиҳалар натижасида Самарқандга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳларнинг шаҳарда қолиш муддати оширилиши кўтирилмоқда. Бу эса кўна кентнинг бутун минтақа туризмнинг энг жозибадор марказларидан бири сифатидаги нуфузини янада мустақамлайди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

МУҚАДДАС ҚҲҲҲҲҲ

Ҳар йили Халқаро оила куни арафасида Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Ибратли оила” танловининг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани ҳам мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур танловнинг бу йилги гоилиблари қаторида Юқори Чирчиқ туманидаги Қизилсий маҳалласида яшовчи Аҳмаджоновлар оиласининг эътироф этилиши диққатга сазовордир.

Танлов

— Оила — инсон ҳаётидаги энг муқаддас қўғғғғғ, меҳр ва ишонч маскани, — дейди “Ибратли оила” бошлиғи сифатида тақдирланган Баҳоидир Аҳмаджонов. — Бу қўғғғғга ўзаро ҳурмат, сабр, кечиримлик ва бир-бирини тушуниш туйғуси мужассам бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин.

Б. Аҳмаджонов ёш оилаларга турмушда фақат ҳиссиёт эмас, масъулият ҳам муҳим экани, майда келишмовчиликларни катта муаммага айлантирмаликка эътибор қаратиш кераклигини тавсия қилади. Эр-хотин бир мақсад сари интилса, оилада барак ва тотувлик бўлади. Фарзанд тарбиясида

эса меҳр билан бирга шахсий намуна ҳам катта аҳамиятга эга.

Мазкур оила танловда гоилибликка лойиқ қўғғғғғани рағбат билан бирга ишонч ҳам деб ҳисоблайди. Танлов давомида оиладаги маънавий муҳит, фарзанд тарбияси, оилавий кадриятларга муносабати, китобхонлик ва жамоат ишларидаги фаоллигига алоҳида эътибор қаратилади.

Қизилсийлик мазкур намунали оила тимсолида Янги Ўзбекистонни юксак билимли, интеллектуал салоҳиятли инсонлар урғига, маърифий жамиятга айландириш гоёси одамлар орасида фаол қўғғғғ-қувватланаётганга амин бўлиш мумкин.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

«UzAuto Motors» АЖДА КОМПЛАЕНС ТИЗИМИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Сўғғғғ йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида бир муҳим гоё мужассам — давлат ва жамият бошқарувида қонунийлик, адолат, очиқлик ва инсон манфаатларини таъминлаш. Мазкур жараёнда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида коррупцияга қарши муросасиз курашиш, давлат идоралари ҳамда стратегик аҳамиятга эга йирик корхоналарда шаффоф бошқарув тизимини қарор топтириш мамлакат тараққиётининг устувор йўғғғғларидан бирига айланди.



Зеро, бугунги глобал иқтисодий рақобат шароитида ҳар қандай йирик компаниянинг кучи фақат ишлаб чиқариш ҳажми ёки молиявий кўрсаткичлари билан эмас, балки унинг очиқлиги, корпоратив маданияти, қонун устуворлигига содиқлиги ҳамда жамият олдидаги масъулияти билан ҳам баҳоланади. Инвестициявий ишонч, барқарор иқтисодий ўсиш ва халқаро майдондаги нуфузнинг мустақамлашиши, аввало, коррупциядан холи ҳамда адолатли бошқарув муҳити билан беволати боғлиқ.

ҳуқуқий онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мунтазам ўқув дастурларини ташкил этиш, ички назорат механизмларини кучайтириш ҳамда хавфларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилапти. Жумладан, жамиятда хавфларни баҳолаш ва бошқариш тизими жорий

Ушбу стратегик ёндашувдан келиб чиққан ҳолда “UzAuto Motors” АЖда комплаенс тизимини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш ва корпоратив бошқарувини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, компанияда коррупциянинг ҳар қандай кўрсаткичига нисбатан мулғғғғ муросасиз муносабат шакллантирилган. Бу борадаги ишлар фақат декларатив чарикриқлар билан чекланиб қолмасдан, аниқ механизмлар, таъсирчан назорат тизими ҳамда институционал ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Корхонада жорий этилган комплаенс тизими миллий қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уни ISO халқаро стандартлари ва илғор жаҳон тажрибаси асосида янада тако-

миллаштириш ишлари изчил давом эттириляпти. Комплаенс сиёсати доирасида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хизмат этикаси ва корпоратив одоб меъёғғғғга қатъий риоя қилиш, контрагентлар билан муносабатларда очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Энг муҳими, компанияда комплаенс маданияти ҳар бир раҳбар ва ходимнинг кундалик фаолиятига син-

“Комплаенс маданиятини шакллантиришда таълим ҳамда тарғғғғт ишлари ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Барча ходимлар учун коррупцияга қарши мунтазам ўқув дастурлари йўғғғ қўғғғ. Янги ишга қабул қилинган ходимлар мажбурий тартибда комплаенс бўйича кириш тренинғғғларидан ўтказилмоқда. Раҳбар ва юқори хавф тоифасига кирувчи ходимлар учун эса махсус мақсадли ўқув курслари ташкил этилган.”

этилган бўлиб, у орқали иш жараёғғғларидаги эҳтимолий коррупциявий ва ҳуқуқий хавфлар барвақт аниқланади, уларнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва тизим самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилади.

Швейцарияда экспортчилар ва инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган алоҳида интернет-саҳифа очилди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўғғғ РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Тахриратга келган қўғғғғлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўғғғғ берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газетанинг компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов. Мусаҳҳўх — Ш. Машраббоев. Янош КОВАЧ, «UzAuto Motors» АЖ Бош директори.